

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА
ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ -ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА
ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ -ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ИСМАИЛОВ АБДУВАЛИ АБДУМАЛИКОВИЧ

**ТАЯНЧ ЎРТА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ
ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМИНИ PISA ХАЛҚАРО
ДАСТУРИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in pedagogical Sciences**

Исмаилов Абдували Абдумаликович

Таянч ўрта таълим сифатини баҳолашнинг ташкил этиш механизмини
PISA халқаро дастури талаблари асосида такомиллаштириш..... 3

Исмаилов Абдували Абдумаликович

Совершенствование механизма организации оценки качества базового
среднего образования на основе требований международной
программы PISA..... 23

Ismailov Abduvali Abdumalikovich

Improving the mechanism of organizing the quality assessment of secondary
education based on requirements of international program PISA..... 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 48

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА
ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ -ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА
ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ -ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ИСМАИЛОВ АБДУВАЛИ АБДУМАЛИКОВИЧ

**ТАЯНЧ ЎРТА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ
ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМИНИ PISA ХАЛҚАРО
ДАСТУРИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий атестация комиссиясида B2022.3.PhD/Ped3932 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.avloniy.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ташкенбаев Улуғбек Негматович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Акрамова Шахноза Абрововна
педагогика фанлари доктори, профессор

Сайдахмедова Нодира Илхомовна
иктисод фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6 уй. Тел.: (+998 71) 246-06-67; e-mail: info@avloniy.uz).

Диссертация билан А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (..... рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6 уй. Тел.: (+998 71) 246-06-67.

Диссертация автореферати 2022 йил « ____ » _____ да тарқатилди.
(2022 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.А. Юлдашев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.Д. Пардаева
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, PhD

Ш.И. Пахрутдинов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, с.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим сифатини таъминлашга устуворлик бериш асосида инсон капиталини ривожлантириш бўйича илғор тажрибаларни оммалаштириш, халқаролашув ва интеграциялашув билан боғлиқликда “бутун ҳаёт давомида таълим олиш” тамойилининг ўқитиш жараёнлари билан узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Барқарор ривожланиш мақсадларининг 4-мақсадидан келиб чиққан ҳолда 2030 йилгача бўлган даврда барча учун таълим олиш имконияти билан бирга таълим сифатини таъминлаб боришга катта эътибор қаратилмоқда¹. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда сифатни баҳолаш тизими турли ёшдаги ва таълимнинг турли даражаларидаги болалар ҳамда ёшларнинг таълимдаги ҳақиқий натижаларини ўлчай оладиган ёндашув асосида такомиллаштирилмоқда.

Дунё бўйлаб таълим сифатини баҳолашни такомиллаштириш долзарб муаммо ҳисобланади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (Organisation for Economic Cooperation and Development) ўқувчиларнинг билими ва билганлари билан нима қила олишларини ўрганиш, таълим натижаларининг сифати ва тенглигини таққослаш, бошқа мамлакатларда қўлланиладиган сиёсат ва амалиётларни ўрганиш орқали таълим соҳасида самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини берадиган кенг қамровли халқаро баҳолаш PISA (The Programme for International Student Assessment) тадқиқотларини олиб бормоқда.

Ўзбекистонда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўлида замон талабларига жавоб берадиган миллий баҳолаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига кўра, давлат таълим стандартлари компетенциявий ёндашувга асосланганлигига қарамасдан, ўқитиш, баҳолаш методлари, дарсликлар ва бошқа ўқув материаллари асосан ахборотни ёдлаш, баён қилишга қаратилганлиги, танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш, таҳлил қилиш кўникмалари ҳамда билишга оид турли малакаларни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётганлиги умумий ўрта таълим тизимидаги мавжуд муаммолар сифатида қайд этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб PISA (The Programme for International Student Assessment) халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг 30 та илғор мамлакатлари қаторига киришига эришиш ҳамда ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолашга йўналтирилган PISA миллий баҳолаш тизимини яратиш вазифалари белгиланган². Мазкур муаммоларнинг ечимини излашда таянч ўрта таълим сифатини баҳолашнинг ташкил этиш механизминини PISA халқаро дастури талаблари асосида такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот мавзуси муҳим аҳамият касб этади.

¹United Nations Sustainable Development Goals, The Goal 4. <https://sdgs.un.org/goals/goal4>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли фармони, “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон ва “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 21 июндаги ПҚ-289-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 8 декабрдаги 997-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, маънавий – маърифий ривожлантириш ва инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим сифатини баҳолашни ташкил этиш муаммоси бир қатор тадқиқотчи-олимлар томонидан ўрганилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз олимлари У.Содиқов, Ж.Усаров, Б.Хуррамов, М.Пардаева, Р.Джураев, Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, У.Иноятов, Р.Ахлиддинов, Р.Каримов, М.Вахобов, Х.Рашидов, С.Турғунов, Р.Сафаровалар томонидан умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторингини амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари ҳамда ўқитиш сифати бошқарувини такомиллаштириш, тизимли-фаолиятли ёндашувни жорий этиш, таълим сифатини миллий баҳолаш асосида бошқаришнинг ташкилий-методик ёндашувлари, замонавий шакллари ва ўқитишда ижодий қобилиятни ривожлантириш, таълим тизимида компетенциявий ёндашувларнинг кириб келиши муаммолари тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида В.А.Болотов, И.А.Вальдман, Р.В.Горбовский, Г.С.Ковалева, О.А.Решетникова, Л.О.Рослова, А.Ю.Пентин, Г.Никифоров, К.Никишова, В.Черепанов, Ю.Шихов, Э.В.Загвязинская, А.И.Севрук, Е.А.Юнина, А.Н.Майоров каби тадқиқотчи-олимлар ўқувчиларнинг функционал саводхонлигини баҳолаш, халқаро тадқиқотлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда миллий контекстга мослаштириш, квалиметрик мониторинг жараёнининг концептуал-дастурий ёндашувлари, умумдавлат мониторинг жараёнлари учун назорат-синов воситаларини ишлаб чиқиш, таълим сифатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, ўқитиш сифати мониторинги муаммолари юзасидан изланишлар олиб борганлар.

Хорижий олимлар A.Schleicher, Y.Belfali, B.Panth, R.Maclean, V.Greaney, T.Kellaghan, P.Anderson, G.Morgan, E.Hanushek, L.Woessmann, A.Agrihotri,

C.Rojas, J.Esquivel, J.Dumais, H.Gough томонидан олиб борилган изланишларда таълимдаги ютуқларни баҳолаш тизими учун ишончли назорат-синов воситаларини ишлаб чиқиш, миллий баҳолаш тизимини такомиллаштириш, баҳолашнинг ўқувчилар сони ва ўқув дастурлари билан ҳамоҳанг такомиллаштирилиши, халқаро тадқиқотларнинг мамлакат ривожланиши учун зарурий кўникмалар ҳақида яхши кўрсаткичлар билан таъминлаб бериш хусусиятлари, баҳолаш учун зарурий қатламни танлаб олиш муаммолари тадқиқ этилган. Тадқиқот ишларида умумий ўрта таълим муассасаларини ўқитиш сифатини баҳолашнинг мазкур тизимда олиб борилаётган ислохотларнинг умумий жараёни билан ўзаро алоқадорлиги каби жиҳатлари акс эттирилган.

Ўрганилган тадқиқотларнинг таҳлили ўқувчилар компетенцияларини баҳолаш, унга таълим олиш ва бошқарув муҳитини боғлаган ҳолда таҳлил қилиш, ягона, солиштира ёндашувга асосланган баҳолаш имконини берадиган, халқаро дастурлар методологиясини миллий баҳолашларда қўллаш жиҳатларига етарли эътибор қаратилмаганлиги, бу борада илмий тадқиқот ишларини янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши А.Авлоний номидаги Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “STesting” лойиҳаси ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузуридаги Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази режасидаги “PISA дастури талаблари асосида ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш бўйича миллий тадқиқот” лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таянч ўрта таълим сифатини баҳолашнинг ташкил этиш механизмини PISA халқаро дастури талаблари асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таянч ўрта таълим сифатини баҳолашни такомиллаштиришнинг назарий ва институционал асосларини таҳлил қилиш;

ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифатини умуммиллий даражада баҳолаш механизмини ўрганиб чиқиш ва такомиллаштириш нуқталарини аниқлаш;

таянч ўрта таълим босқичида ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш тадқиқотини ташкил этиш моделини ишлаб чиқиш;

таянч ўрта таълим босқичида ўқувчиларнинг ютуқларини баҳолашга қаратилган тажриба-синов натижаларини таҳлил қилиш асосида таълим сифатини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида таянч ўрта таълим сифатини баҳолашнинг ташкил этиш механизмини PISA халқаро дастури талаблари асосида такомиллаштириш жараёни олинган.

Тадқиқот предметини таянч ўрта таълим сифатини баҳолашнинг ташкил этиш механизмини PISA халқаро дастури талаблари асосида такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга алоқадор илмий адабиётлар ва илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш, анкета сўровномалари, тест, суҳбат, кузатиш, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, моделлаштириш, тажриба-синов натижаларини математик-статистик қайта ишлаш ва таҳлил қилиш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таянч ўрта таълимда ўқитиш сифатини баҳолашнинг ташкилий жиҳатлари танлангани репрезентативлик тамойилига устуворлик бериш орқали минимал миқдордан максимал натижаларга эришишга йўналтирилган стратификацияланган тасодифий намуна олиш механизмини киритиш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифатини умуммиллий даражада баҳолаш механизми синов материаллари конфиденциаллиги, администраторларнинг компетентлиги, коллаборациянинг мақбул йўлга қўйилганлиги, синов ўтказиш бўйича кўрсатмаларнинг аниқлиги, интерпретациянинг адекватлиги тамойилларини бевосита ҳисобга олишга йўналтирилган [Тест ва сўровномаларни олиб бориш сценарийси]ни киритиш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш тадқиқотини ташкил этиш моделининг мақсадли бошқарувга йўналтирилган компоненти натижаларининг валидлиги ва ишончилигини таъминлашга хизмат қиладиган тест топшириқлари ҳамда сўровномаларни киритган ҳолда синов материалларини адаптив лойиҳалаш мантиқига устуворлик бериш орқали такомиллаштирилган;

баҳолаш натижаларининг ишончилигини таъминлаш механизми назорат ва таҳлил қилиш жараёнларининг барқарорлигини таъминлаш, респондентларнинг танлов эркинлиги ва мустақиллигини педагогик қўллаб-қувватлаш, синалувчиларнинг мотивацион ва интеллектуал соҳасига салбий таъсирларнинг олдини олиш бўйича “Кузатувчи эффекти”ни камайтиришга қаратилган “Тадқиқот сифати назорати” компонентини киритиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

“PISA дастури талаблари асосида ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолашни ташкил этиш тўғрисида йўриқнома” ишлаб чиқилган;

“Халқаро тадқиқотларда ўқувчиларнинг табиий-илмий саводхонлигини баҳолаш” номли методик қўлланма ишлаб чиқилган;

“Баҳолаш мақсадини аниқлаш”дан “Таклифларни амалиётга жорий қилиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш”гача бўлган жараёнларни тизимлаштиришга қаратилган ташкилий модел ишлаб чиқилган;

мактабдаги бошқарув ва таълим олиш муҳитини баҳолашга мўлжалланган “Мактаб директори сўровномаси”, “Ўқувчи сўровномаси”

хамда ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолашга мўлжалланган “Ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш дафтари” каби синов материаллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот иши холис ўрганилганлиги, гипотезаларни илмий асослашда расмий манбаларга таянилганлиги, тажриба-синовларнинг жорий этилишида маълумотларнинг ишончилигини таъминлашга қаратилган усуллар, жумладан, маълумотларни рақамлаштиришда икки марта киритиш (double punching), тадқиқот сифати назорати усули қўлланилганлиги, тажриба-синов самарадорлиги математик статистика методлари ёрдамида таҳлил қилинганлиги тадқиқот маълумотларининг ишончли бўлишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий ўрта таълим тизимининг таянч ўрта таълим босқичида таълим сифатини баҳолаш тадқиқотларини ташкил этиш модели, механизм, йўриқномалар, синов материалларини PISA халқаро дастури талаблари асосида жорий этиш орқали умумтаълим сифатини компетенциявий ёндашувга асосланган самарали бошқарувга эришиш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таълим сифатини баҳолашни ташкил этиш учун респондентларни танлаб олишда стратификацияланган кластерли намуна олиш механизми очиб берилганлиги, баҳолашни ташкил этувчилар учун ўқув-услугий материаллар ва меъёрий хужжатлар тақдим этилганлиги, бошқарув муҳити ва ўқувчиларнинг фанлар бўйича саводхонлигини баҳолашга қаратилган бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таянч ўрта таълим сифатини баҳолашнинг ташкил этиш механизмини PISA халқаро дастури талаблари асосида такомиллаштириш бўйича тадқиқот ишининг илмий натижалари асосида:

таянч ўрта таълимда ўқитиш сифатини баҳолашнинг ташкилий жиҳатларини танлангани репрезентативлик тамойилига устуворлик бериш орқали минимал миқдордан максимал натижаларга эришишга йўналтирилган намуна олиш механизмини киритиш асосида такомиллаштиришга оид таклифлари Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг “Жаҳон банки билан ҳамкорликда халқаро баҳолаш дастури талаблари асосида “Таълимдаги йўқотишларни баҳолаш” тадқиқотининг асосий синов жараёнларини ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 10 декабрдаги 229-сон буйруғи билан тасдиқланган “Таълимдаги йўқотишларни баҳолаш тадқиқотини ўтказиш бўйича йўриқнома” мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 2 декабрдаги 02-02/3-2848-сон маълумотномаси). Натижада ҳудудлардаги таълим муассасаларининг вакили сифатида танлаб олинган мактабларда баҳолаш жараёнларини ташкил этишга хизмат қилган;

ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифатини умуммиллий даражада баҳолаш механизмини синов материаллари конфиденциаллиги, администраторларнинг компетентлиги, коллаборациянинг мақбул йўлга қўйилганлиги, синов

Ўтказиш бўйича кўрсатмаларнинг аниқлиги, интерпретациянинг адекватлиги тамоийлларини бевосита ҳисобга олишга йўналтирилган таклифлари Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 31 мартдаги 15 ва 19 к/қ-сон қарори билан тасдиқланган “Ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлигини баҳолаш халқаро дастурининг асосий тадқиқотини ташкил этиш тартиби” мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 2 декабрдаги 02-02/3-2848-сон маълумотномаси). Натижада синов жараёнларида администраторларни тайёргарликдан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини тизимли ташкил этишга хизмат қилган;

Ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш тадқиқотини ташкил этиш моделининг мақсадли бошқарувга йўналтирилган компоненти натижаларининг валидлиги ва ишончлилигини таъминлашга хизмат қиладиган тест топшириқлари ҳамда сўровномаларни киритган ҳолда синов материалларини адаптив лойиҳалаш мантиқига устуворлик бериш орқали такомиллаштиришга оид таклифлари ўқувчилар билимини баҳолашга мўлжалланган “STesting” платформасининг баҳолаш материаллари мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирининг “Ўқувчиларни PIRLS, PISA ва TIMSS халқаро баҳолаш тадқиқотларига тайёрлаш тўғрисида” 2021 йил 16 декабрдаги 404-сон буйруғи, Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 2 декабрдаги 02-02/3-2848-сон маълумотномаси). Натижада умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг саводхонлигини баҳолаш учун мўлжалланган синов материалларини адаптив такомиллаштириб бориш имконияти яратилган;

баҳолаш натижаларининг ишончлилигини таъминлаш механизми назорат ва таҳлил қилиш жараёнларининг барқарорлигини таъминлаш, респондентларнинг танлов эркинлиги ва мустақиллигини педагогик қўллаб-қувватлаш, синалувчиларнинг мотивацион ва интеллектуал соҳасига салбий таъсирларнинг олдини олиш бўйича “Кузатувчи эффекти”ни камайтиришга қаратилган таклифлари “PISA дастури талаблари асосида ўтказиладиган миллий тадқиқот жараёни кузатувчилари учун йўриқнома” мазмунига сингдирилган (Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг “PISA дастури талаблари асосида ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш бўйича миллий тадқиқот ўтказиш тўғрисида” 2020 йил 30 ноябрдаги 180-сон буйруғи, Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 2 декабрдаги 02-02/3-2848-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш тадқиқотлари сифатини назорат қилишда кузатувчиларни тайёрлаш учун меъёрий ва услубий асос сифатида хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 номдаги илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий

нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан, 5 таси республика, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий-тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган ва тавсифланган, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Таълим сифатини миллий ва халқаро даражада баҳолашнинг назарий ва институционал асослари”** деб номланган биринчи бобида таълим сифатини баҳолаш тизимини ривожлантиришнинг аҳамияти, мазкур тизимни такомиллаштиришда PISA халқаро баҳолаш дастурининг тутган ўрни, халқаро баҳолаш дастурларига тайёргарлик кўриш, унда Ўзбекистон умумтаълим муассасалари иштирокини таъминлаш ҳамда тажрибасини ўрганган ҳолда миллий баҳолаш тизимини такомиллаштиришга доир назарий ва институционал асослар ҳақида маълумотлар баён қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида PISA дастурида доимий иштирок этиш, шунингдек, умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолашга йўналтирилган таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини яратиш вазифалари белгиланган^{3:4}. Шунингдек, Ўзбекистонда халқаро баҳолаш дастурлари талаблари асосидаги тадқиқотларни миллий таълим тизимига синдириш бўйича қабул қилинган қарорда ҳам мазкур вазифалар келтирилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, ўқувчиларнинг саводхонлиги, мантиқий, ижодий фикрлаш кўникмаларини баҳолашни халқаро тадқиқот дастури талаблари асосида такомиллаштириш долзарб муаммо ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида диссертация мавзусига доир илмий ишлар таҳлил қилинган. PISA дастурининг ташаббускори ва раҳбари А.Шляйхер “агарда таълим реал ҳаётга талабларга жавоб бермас экан, ёш авлод ўзининг вақти ва кучини унга сарфлаш эҳтимоли жуда кам” дея таъкидлаган. Олимлар Hanushek

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. Тошкент шаҳри, 2019 йил 29 апрель, ПФ-5712-сон. www.lex.uz

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Тошкент шаҳри, 2018 йил 8 декабрь, 997-сон.

ва Woessmann TIMSS ва PISA халқаро дастурлари доирасида математик ва табиий-илмий саводхонликни баҳолаш ҳозирда кўплаб мамлакатларни қамраб олганлигини ҳамда ривожланиш учун зарурий кўникмалар ҳақида яхши кўрсаткичлар билан таъминлаб беришини таъкидлаб ўтган.

Ушбу дастурнинг тажрибасини ўрганиш учун яратилган таянч мактаблар тизими, халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўриш ва уларни ташкил этишни қўллаб-қувватлаш бўйича зарурий методик ресурслар, шунингдек, халқаро баҳолаш дастурларида тўпланган тажрибалар асосида миллий баҳолашни такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Баҳолаш механизмларини такомиллаштириш орқали халқ таълими тизимини самарали бошқариш учун зарур бўладиган маълумотларга эга бўлиш, жумладан, юртимиздаги таълим тизимининг ютуқ ва камчиликлари юзасидан ахборот олиш, олиб борилган чора-тадбирларнинг таъсирини таҳлил қилиш, таълим сифатини ошириш, халқаро миқёсда мамлакатнинг нуфузини мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг билими, салоҳияти ва саводхонлик даражаларини таққослаш имконига эга бўлиш, ўқитиш усулларини бошқа мамлакатлардаги усуллардан фарқли жиҳатлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш, ўқувчиларнинг саводхонлигини ривожлантиришга оид дарслар мактабларда қандай ташкил этилганлиги, ўқувчиларнинг билими ва саводхонлигини яхшилашда ота-оналар томонидан қўшилаётган ҳиссалари салмоғи ҳақида маълумотларга эга бўлинган.

Таълим сифати ва самарадорлигига янгича қараш, замонавий, компетенциявий ёндашувлар, яъни ўқувчиларнинг олган билимларини реал ҳаётий вазиятларда қўллаш, ижодий ва мантикий фикрлаш кўникмаларини баҳолаш ва ривожлантириш, таълимда туб ислохотлар ва бурилишларга сабаб бўладиган стратегик қарорлар қабул қилиш учун зарурий маълумотларни олиш имкониятлари яратилган. PISA халқаро тадқиқот дастури асосида такомиллаштириладиган миллий баҳолаш механизмлари Ўзбекистондаги ислохотлар жараёнларида мактаблардаги илмий-тадқиқот ва инновация фаолияти, ўқувчиларнинг ижодий ғоялари ва ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши асосланган.

Ўқувчиларнинг ютуқларини баҳолаш доирасида синовдан ўтказиладиган фанга оид компетенциялар, математик ва табиий-илмий саводхонлик, шунингдек, улар таркибига кирувчи компетенциялар ҳақида маълумотлар келтирилган. Умуммиллий даражада ўқувчиларнинг ютуқларини баҳолаш тизими учун респондентларни танлаб олиш усуллари, яъни оддий, тизимли-тасодифий, кластерли танлов, стратификациялаш жараёнларини ташкил этиш ва ушбу усулларни қўллаш шароитлари баён этилган.

Шу билан бирга, PISA халқаро баҳолаш тадқиқотининг бошқа дастурлар билан фарқи, ўзига хос хусусиятларининг солиштирма таҳлиллари асосида афзалликлари келтириб ўтилган. Халқаро баҳолаш ва умуммиллий даражада ўқувчиларнинг ютуқларини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича хорижий мамлакатлар, жумладан, Жанубий Корея,

Япония, Сингапур, Канада, Ҳиндистон, Вьетнам мамлакатлари тажрибаларидан намуналар келтирилган. Жанубий Кореяда таълим натижаларини баҳолаш миллий тизими жорий этилган бўлиб, унинг олдида давлат даражасида таълим сифати ва ундаги ўзгаришлар, ўқувчиларнинг ютуқлари ва миллий дастурдан кутилган мақсадларга эришилганлигини баҳолаш ҳамда ўқувчиларнинг ютуқларига таъсир кўрсатадиган таълим жараёнидаги шароитларни характерлайдиган омиллар ҳақида контекст маълумотлар тўплаш вазифалари қўйилган. Вьетнам ва Ҳиндистон мамлакатлари тажрибаси мисолида миллий баҳолаш даврий равишда амалга оширилиши ҳамда муайян синф ва фанлар миқёсида ўқувчиларнинг ютуқларини синовдан ўтказишга қаратилганлиги, умумий мактабларни қамраб оладиган, ўқувчиларнинг натижаларини солиштириш имконини берадиган омиллар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Таълим сифатини баҳолаш жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида PISA ва бошқа тадқиқотлар дунёнинг кўп сонли давлатларида ўтказилиб, уларда турли тиллар, турли маданиятлар ва турли таълим тизимлари мавжудлиги баён этилган. Халқаро тадқиқотнинг мақсади эса, ҳар бир давлатнинг тегишли тилига таржима қилинган ва мослаштирилган, эквивалентлиги таъминланган тест ва сўровнома материаллари асосида ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолашдан иборат.

Халқаро PISA тадқиқоти бир қанча афзалликларга эга бўлишига қарамадан мамлакатлар унда қатнашишга қарор қилишдан олдин бир қанча муаммоларни ўрганиб чиқади. Турли ўқув дастурлари асосида ташкил этиладиган таълим тизимларида баҳолашни олиб бориш мураккабдир. Дунё бўйлаб ўқув дастурлари оддий элементлар, айниқса ўқитиш мазмуни ва кутилаётган стандарт ютуқларда фарқлар мавжудлиги каби муаммоларга дуч келинади. Шундай бўлсада, Ўзбекистон таълим тизимини жаҳон андозалари асосида ривожлантириш йўлида ушбу халқаро тадқиқотда қатнашиш йўлга қўйилганлиги баён қилинган.

Ўзбекистонда таълим сифатини баҳолашнинг мавжуд тизими, ўзига хос хусусиялари, мақсади, баҳолашларни амалга оширувчи ташкилот ва тузилмаларнинг асосий вазифалари меъёрий ҳужжатлар асосида таҳлил қилинган. Баҳолаш механизмларини такомиллаштиришда PISA халқаро дастурининг тамойиллари, талаблари ва баҳолаш воситаларидан фойдаланиш имкониятлари ҳамда ўзига хос жиҳатлари келтириб ўтилган.

Шунингдек, баҳолаш механизмнинг асосий бўғинлари, яъни баҳолашнинг ҳукумат дастурлари билан алоқадорлиги, унинг даврийлиги, синф ва фанларнинг қамрови, ўқувчиларни танлаб олиш, баҳолаш натижаларини таҳлил қилиш ва ундан ривожлантириш мақсадларида фойдаланишга оид маълумотлар таҳлил қилинган.


Шу билан бирга, умумтаълим муассасаларида халқаро PISA дастурининг тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва оммалаштириш бўйича йўлга қўйилган механизмлар, яъни таянч мактаблар ва уларга бириктирилган мактабларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари

ёритилган. Унда янгича ёндашув асосидаги баҳолаш механизмларини жорий қилишда умумий ўрта таълим мактаблар раҳбарлари ва педагогларининг хабардорлиги ва ҳамкорлигини таъминлаш жараёнлари очиб берилган. Ушбу жараёнлар манфаатдор тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва таянч мактабларни бошқаришни методик жиҳатдан таъминлаб боришга қаратилган бўлиб, “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўришга йўналтирилган таянч мактаблар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида йўриқнома”га мувофиқ, ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида таянч мактабларни бошқариш, салоҳиятни ривожлантириш ва тажрибасини оширишга қаратилган.

Баҳолашда қатнашадиган мактаблар ва ўқувчиларни танлаб олиш учун аввалам бор миллий даражадаги таълим муассасалари ва улардаги ўқувчилар ҳақидаги зарурий маълумотлар мавжуд бўлиши лозим. Шу каби маълумотларни ўз ичига олган рўйхат танлов рамкаси (sampling frame) деб юритилади. Танлов рамкасини шакллантириш зарурияти ва ундаги маълумотларни тўплаш жараёнлари ёритиб берилган. Баҳолашда бирданига таълим муассасаси ва ўқувчиларнинг рўйхатига эга бўлиш имконсиз эканлиги сабабли рамкани шакллантиришда таълим муассасаси ва танлаб олиш учун зарурий маълумотларга эга бўлиш назарда тутилган. Миллий, минтақавий ва халқаро тадқиқотлар миллий даражадаги ютуқлар даражасини аниқлаш жараёнида танлаб олишга асосланган ёндашувдан фойдаланилиши асосланган.

Ўқувчиларнинг ютуқларини ҳамда мактабдаги таълимни бошқарув муҳитини баҳолаш бўйича ўтказилган тажриба-синов жараёнларини ташкил этиш, шунингдек, синов материалларини тайёрлаш, тадқиқот учун иштирокчиларни танлаб олиш, ташкил этиш босқичларини ўз ичига олган Таянч ўрта таълим сифатини баҳолаш тадқиқотини ташкил этиш модели ишлаб чиқилган (1-расмга қаранг). Шунингдек, Таянч ўрта таълим сифатини баҳолаш тадқиқотини ташкил этишда такомиллаштириш омиллари сифатида тадқиқ этилган 7 та компонентлар, яъни баҳолаш мақсадини аниқлаш (1), иштирокчиларни танлаб олиш (2), синов материалларини тайёрлаш (3), синов материаллари конфиденциаллигини таъминлаш (4), синов жараёнини ўтказиш (5), тадқиқот сифатини назорат қилиш (6), тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш (7) каби компонентлар, уларнинг амалдаги ёндашувлари, тадқиқот натижасида киритилган янгилıklar ва эришилган натижалар нуқтаи назаридан солиштирма таҳлил қилинган (1-жадвалга қаранг).

Миллий баҳолашни ташкил этишнинг асосий бўғинлари, яъни баҳолашнинг ҳукумат дастурлари билан алоқадорлиги, унинг даврийлиги, синф ва фанларнинг қамрови, ўқувчиларни танлаб олиш, баҳолаш натижаларидан ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш ҳамда таълим тизими бошқарувига оид қарорлар қабул қилиш ҳақида маълумотлар баён этилган. Тадқиқотда компетенцияга асосланган халқаро баҳолаш материалларини қўллаш, респондентларни танлаб олиш, баҳолаш жараёнида тест администраторлари, координаторлар ва кузатувчилар фаолиятини ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган.



1-расм. Таянч ўрта таълим сифатини баҳолаш тадқиқотини ташкил этиш модели

Таянч ўрта таълим сифатини баҳолаш тадқиқотининг муҳим компонентлари

Компонент номи	Тадқиқотдан олдинги ҳолат	Тадқиқот натижасида жорий этилди	Жорий этилганидан кейин эришилган натижалар
Баҳолаш мақсадини аниқлаш	Баҳолаш натижалари ўзаро рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилган. Бу эса илгор таълим муассасаларини рағбатлантириш ва ортда қолганларни жазолаш воситасига айланиб қолишига олиб келган.	Баҳолаш мақсади таълим тизимидаги реал вазиятни ўрганиш, таълим олиш ва ўқитиш жараёнидаги камчиликлар билан бирга ижобий тажрибаларни таҳлил қилиш, жорий этилган ислохотлар ва чора-тадбирларнинг самараси ҳақида ишончли маълумотлар олишга қаратилди.	Тадқиқотда қатнашаётган таълим муассасалари ўзаро рақобатга эмас, таълим сифатини таҳлил қилиш мақсадлари устувор эканини ҳис қилган ҳолда ёндашишига эришилди, бу эса тадқиқот натижасининг ишончилигини таъминлашга хизмат қилди.
Иштирокчиларни танлаб олиш	Мактаблар ва ўқувчиларни танлаб олишда фақат мактаблар учун тасодифий усул қўлланилган, ўқувчиларни танлаб олиш йўлга қўйилмаган ёки синфларни куръа ташлаш орқали танлаб олинган.	Мактабларни ва (синфларни) ўқувчиларни тасодифий-репрезентативлик асосида танлаб олишга қаратилган икки босқичли танлов усули қўлланилди.	Кам сонли мактабларни танлаш орқали барча мактабларнинг вакили сифатида қатнаштирилди. Мактаб ичидаги танлов орқали ички репрезентативликка эришилди
Синов материалларини тайёрлаш	Синов материаллари миллий таълим дастурлари доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, давлат таълим стандартига мувофиқ ўқув дастуридаги билимларни эгаллаганлигини аниқлашга қаратилган. Бу эса ўқувчиларнинг ҳаётга тайёрлигини аниқлаш ва хорижий мамлакатлар ўқувчилари билан солиштириш имконини бермаган.	Синов материаллари ўқувчилардан талаб этиладиган кўникмаларга эга бўлганлигини баҳолашга бўлган ёндашув асосида ишлаб чиқилди, PISA халқаро дастури синов материалларидан миллий контекстга мослаштирган ҳолда фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди	Синов материаллари (тест ва сўровномалар)нинг мураккаблик даражаси сақлаб қолинди. Ўқувчиларнинг саводхонлигини халқаро даражадаги тест материаллари билан синаб кўриш имкониятларига эга бўлинди.
Синов жараёнини ўтказиш	Тест ва сўровномаларни ўтказишда ҳудудий таълим бошқаруви идоралари томонидан ўтказилиши тенг ва ягона ёндашувни таъминлаш, умумдавлат даражасида солиштириш имкониятини бермаган. Турлича ёндашувлар асосида синовлар ўтказилган. Бу эса	Тест ва сўровномалар марказлашган тартида тайёрланди; Синовларни ташкил этиш йўриқномаси, Тест ва сўровномаларни олиб бориш сценарийси ишлаб чиқилди. Тест администраторлари марказлашган	Тест ва сўровнома жараёнлари ягона ёндашув асосида ўтказилишига эришилди. Тест администраторлари томонидан ўқувчиларга бир хилдаги кўрсатмалар берилиши таъминланди.

	натижаларни солиштиришда ишончилиқни таъминлашга хизмат қилмаган.	тартибда махсус тайёргарликдан ўтказилган ҳолда жараёнлар ташкил этилди.	Олинган натижалар солиштирма хусусиятга эга бўлишига эришилди.
Синов материаллари конфиденциаллигини таъминлаш	Тест ва сўровнома материалларининг конфиденциаллигини таъминлаш бўйича топшириқ берилган, лекин аниқ механизмлари белгиланмаган. Асосан маъмурият даражасида масъулларнинг шахсий жавобгарлиги борлиги ҳақида огоҳлантирилган.	Тест ва сўровнома материалларининг конфиденциаллигини таъминлашнинг аниқ ва оддий чораси белгиланди. Материалнинг конфиденциал экани тушунтирилиб, у билан ёзма битим имзоланди ва маълумотлар ошкор қилинмаслиги таъминланди.	Синов материалларининг конфиденциаллигини бузишга интилишлар қузатилмади. Бу орқали жавобгарликда сансалорлик эмас, балки шахсий масъулият ва жавобгарлик хисси шакллантирилди. Шунингдек, тадқиқотдаги материаллар хавфсизлигини таъминлашни шунчаки мажбурият сифатида эмас, балки онгли равишда муҳим омил сифатида қабул қилинишига эришилди.
Тадқиқот сифатини назорат қилиш	Синов жараёнлари сифатини ўлчаш воситалари мавжуд бўлмаган. Муайян даражадаги раҳбарлар ва масъулларнинг субъектив қузатувлари асосида хулоса қилишга тўғри келган. Бу эса ўтказилган синовлар натижаларига ишончсизлик билан қараш ҳолатларини келтириб чиқарган.	Тадқиқот сифати назорати (қузатувчилар) усули жорий этилди. Махсус тайёргарликдан ўтган қузатувчилар Тест администраторлари томонидан белгиланган йўриқнома талабларига риоя қилинганлиги тизимли қузатиб ва қайд қилиб бориши йўлга қўйилди.	Тест администраторининг йўриқнома талабларига риоя қилган ҳолда жараёни ўтказганлиги, тест ва сўронома материаллари конфиденциал сақланганлиги ва учинчи шахслар аралашмаганлиги қайд этиб борилди.
Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш	Тест натижалари миллий таълим стандарти талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг билимидаги бўшлиқларни аниқлашга урғу берилган.	Тадқиқот натижалари ўқувчиларда ҳаётий зарур кўникмалар ва фанга оид компетенциялар шаклланганлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинди, дунёнинг бошқа мамлакатлари ўқувчиларининг натижалари билан солиштиришга эътибор қаратилди.	Ўқувчиларда бугунги кунда талаб этилаётган ҳаётий кўникмалар ва компетенциялар шаклланганлигини халқаро солиштирма таҳлил қилиш имконияти вужудга келди.

Диссертациянинг “**Ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш бўйича тажриба-синов натижалари ва самарадорлиги**” деб номланган учинчи бобида “Таянч ўрта таълим сифатини баҳолаш тадқиқотини ташкил этиш модели” асосида ўтказилган тажриба-синов натижалари келтирилган. Тажриба-синовининг мақсади PISA халқаро дастурининг тамойиллари асосида тайёрланган йўриқнома, тест ва сўровнома материалларини амалда қўллаш орқали таълим сифатини таҳлил қилиш, мактабларнинг бошқарув муҳити ва таълим сифатини баҳолашга қаратилган синов жараёнларини ташкил этиш ҳисобланади. Унда ўқувчиларнинг математик ва табиий-илмий саводхонлик даражалари ҳамда таълим сифатига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган. Тажриба-синов тадқиқотлари мактаб директорлари ва ўқувчилар иштирокида ўтказилган сўровномалар орқали мактабдаги бошқарув ва таълим олиш муҳити ҳамда ўқувчилардан олинган тест синовлари орқали ўқувчиларнинг математик ва табиий-илмий саводхонлигини баҳолашни ўз ичига олган.


Биринчи босқичдаги тадқиқот мазкур изланиш олиб борилишининг бошланғич палласида, иккинчи босқич эса муайян давр мобайнидаги ишлар самарадорлигини ва ўзгаришлар тенденциясини кузатиш имконини берган. Тажриба-синов(тадқиқот)да республиканинг Бухоро, Хоразм ва Сирдарё вилоятлари қамраб олинган бўлиб, биринчи босқичда 26 та мактабларнинг 694 нафар ўқувчилари, иккинчи тажриба-синов тадқиқотида эса 26 та мактабларнинг (мактаблар рўйхати диссертациянинг 7-илоvasида берилган) директорлари ва 684 нафар 9-синф ўқувчилари респондент сифатида иштирок этган.

